



ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРГА ЖАЛБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚИЙ ЗАРУРАТИ

Н.Ў.Ашурова

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, ю.ф.ф.д.
(PhD)

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7895453>

ARTICLE INFO

Received: 25th April 2023

Accepted: 03rd May 2023

Online: 04th May 2023

KEY WORDS

Вояга етмаган шахс, бузғунчилик, тиланчилик, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, профилактика, ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар, ижтимоий хавfli қилмиш, жиноятга жалб қилиш, жиноий жавобгарлик.

ABSTRACT

Мақолада вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик билан боғлиқ масалалар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Хусусан, муаллиф томонидан вояга етмаганлардан жиноят содир қилиш мақсадида фойдаланишнинг ижтимоий хавfliлик даражасининг юқорилигига оид муаммоларга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифлар илгари сурилган.

Дунёда катта ёшдагилар томонидан вояга етмаганларни ноқонуний ҳаракатларга жалб этилиши аксарият ҳолларда оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилишига, шу жумладан уларни тиланчиликка, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, фоҳишабозликка ва бола порнографиясига жалб этилиши кўпайиб бораётгалиги жиддий хавотир уйғотмоқда. Зеро, вояга етмаганларни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш билан боғлиқ жиноятлар ижтимоий қадрият ва анъаналарга, жамиятнинг ҳуқуқий асосларига зарар етказиб, ўсиб келаётган авлод салоҳиятини бузғунчиликка йўналтиради, вояга етмаганларни “криминал маданият” турмуш тарзига ўргатади, шунингдек жамиятда қонунга ҳурмат ва итоаткорлик руҳи мустаҳкамланишига тўсқинлик қилади. Бу эса, вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга, жиноят содир этишга жалб этганлик учун жавобгарликни белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш долзарблигидан далолат беради.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг барча йўналишларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, оилага, ёшларга, ахлоққа қарши жиноятларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу эса вояга етмаганларни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарлик



масаласини тадқиқ этиш орқали жиноят қонунчилигида мазкур жиноий қилмиш билан боғлиқ жазо чоралари таъсирчанлигини ошириш, масъул шахсларнинг ва касб эгаларининг жавобгарлигини алоҳида белгилаш орқали такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятларга қарши курашда замонавий таҳдидларни ва жалб этиш усуллари аниқлаган ҳолда уларни қонунчилик ҳужжатларида акс эттириш, амалиётда мавжуд муаммоларни аниқлаган ҳолда соҳада институтлар ҳуқуқий Ҳимоясини такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятларни профилактикасида фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилик иштирокини таъминлашнинг рағбатлантириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жавобгарлик ва бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш масалаларининг мураккаблиги масалани янада чуқур тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан Ш.А.Обид ўғлининг вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари мавзусидаги тадқиқот иши ҳам диққатга сазовор. Унда вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулосалар, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, унда ЖКнинг 127-моддасига доир ишларни юритиш доирасида мазкур тоифадаги қилмишларга тўғри (ҳаққоний) баҳо бериш ва малакалаш учун 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги асосланган[2].

ЖК 127-моддасида белгиланган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланади, ушбу модданинг 3-қисмида кўзда тутилган жиноят содир этилиши натижасида янги, ёш ва ғайратли, кучга тўла жиноятчилар сафи кенгайди. Албатта, бу борада қилмишнинг ижтимоий хавфлилик тушунчасига ҳам назар ташлаш даркор.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноятнинг сифат кўрсаткичи бўлиб, бу кўрсаткич орқали жиноятларнинг қайси бири оғир ёки қайси бири енгилроқ эканлигини ҳал қилиб бўлмайди. Бу муаммо жиноятнинг миқдор кўрсаткичи орқали, яъни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш орқали ҳал қилинади. А.В.Корнеева «жиноятнинг миқдор кўрсаткичлари унинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгиловчи мезонлар, яъни бир қатор омиллар аниқланиши керак, бундай омиллар: етказилган зарарнинг оғирлиги, тажовузнинг ўзига хос хусусиятлари (жиноятнинг охирига етказилган ёки етказилмаганлиги, бир киши ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, жиноят содир қилиш усули ва ҳоказолар), айбнинг хусусияти, жиноят субъектининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳ.к.лар асосида аниқланади»[3], деб ёзади.

«Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилишнинг ижтимоий хавфлилиги улардан жиноят содир қилиш мақсадида фойдаланишнинг ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги билан белгиланади. Бундай шахслар содир қилаётган қилмишнинг қай даражада ижтимоий хавфлилигини билмай ёки



англамай жуда катта зарар етказиши мумкин. Масалан, портлатиш қурилмасини ўрнатиш, бирон-бир объектга ўт қўйиш, номусга тегиш, гиёҳванд воситаларни ташиш, муайян шароитда қуролдан ўқ узиш ва шу кабилар. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ҳатто кичик ёшдагилар томонидан қилинган айрим зўрлик ишлатиш, жинсий ҳаракатлар, мулкни ўғирлаш кабилар уларнинг хулқи бузилишига таъсир кўрсатувчи заҳарлайдиган омил сифатида таъсир қилиши мумкин. Бундай ҳаракатларни қилганлиги, унинг онгида сақланиб қолади ва анча катта ёшга етганида у ахлоққа зид ҳаракат ёки жиноят содир қилишини рағбатлантиради»[4].

Ушбу жиноятларнинг ижтимоий ҳафлилиги яна шунда намоён бўладики, «вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг 30%га яқини катта ёшдагилар таъсирида содир этилмоқда. Бундай жиноятларнинг аксариятини ўғрилик, баданга турли даражада шикаст етказиш, фирибгарлик, босқинчилик, номусга тегиш жиноятлари ташкил қилади»[5].

Адабиётларда вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш деганда «(инглизча – involving of minor into commission of offence) 18 ёшга тўлган шахс томонидан алдаш, ваъда бериш, қўрқитиш ва бошқа йўллар билан вояга етмаган шахсларни жиноят содир этишга жалб қилиш тушунилади»[6].

Ҳуқуқий адабиётларда мазкур ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг вояга етмаган шахсни жалб этиш масаласи кўпроқ ёритилган, бинобарин жиний қилмиш ҳам ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг кўриниши, шаклидан бири ҳисобланади.

ЎЗР ЖК 127-моддасида кўзда тутилган жиноятлар назария ва амалиётда икки турига ажратилади: *конкрет бўлмаган жалб қилиш*, бунда катта ёшдаги шахснинг ҳаракатлари жиний турмуш тарзини тарғиб қилиш, янги жиноятчиларни мазкур дунёга олиб кириш учун танлаш, ёллашга қаратилган бўлиб, бунда конкрет жиноят ҳақида сўз бормади. *Конкретлашган жалб қилишда* эса ўсмирлар катта ёшдаги шахслар томонидан ўйлаб қўйилган жиноятга шерик, биргаликдаги иштирокчи ёхуд якка бажарувчи сифатида жалб қилинади ёхуд вояга етмаганларда мазкур жиноятини содир қилишга қаратилган жиний ниятни туғдиришга, шакллантиришга қаратилган ҳаракатларда ифодаланади. Айнан конкретлашган шаклдаги жалб қилиш квалификация қилишда баъзи муаммолар мавжуд, бунда катта ёшдаги шахснинг ҳаракатларида бошқа мустақил жиноятнинг белгилари ҳам бўлиши мумкин.

Демак, ЎЗР ЖК 127-моддасида бўйича вояга етган шахс вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга (1-қисм), гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга (2-қисм) ёхуд вояга етмаганни маълум бир жиноят қилишга жалб этишга қаратилган ҳаракатлар жиноят деб тушунилади.

Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар деганда Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига биноан, вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан



шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

«Ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ваъда бериш, алдаш, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ва бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилиши мумкин»[7]. «Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этиш деганда, вояга етмаган шахсга нисбатан жисмоний зўрликни қўллаш ёки унга руҳий тазйиқ ўтказиш, қўрқитиш, пул бериб оғдириш, авраш, алдаш, ўч олиш, ҳасад, рашк туйғуларини ва бошқа паст ниятларини қўзғатиш, жиноят содир этишни таклиф қилиш, ўғирланган нарсаларни сотиб олиш ёки сотиб беришни ваъда қилиш, жиноятни содир этиш жойи ва усуллари ёки жиноят изларини яшириш ҳақида маслаҳатлар бериш йўли билан унинг бир ёки бир нечта жиноятларнинг содир этилишида иштирок этиш ниятини рағбатлантиришга қаратилган ҳаракатлар ва жиноятни содир этишга оғдириш мақсадида вояга етмаган шахслар билан спиртли ичимликлар ичилишини тушуниш зарур»[8].

Вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, уларнинг иштирокига кўра икки шаклда бўлади:

- 1) вояга етмаган шахсни жалб қилиш, қизиқтириш натижасида у жиноятни бевосита ўзи содир этади;
- 2) вояга етмаган шахсни жалб қилиш, қизиқтириш натижасида вояга етмаган шахс жиноятни вояга етган шахс билан биргаликда содир этади.

Б.Ж.Ахроров «вояга етмаган шахсларни ғайриқонуний ҳаракатларга жалб қилишни уч турга бўлиб ўрганишни таклиф қилади:

1. Вояга етмаганларни жиноий фаолиятга жалб қилиш;
2. Вояга етмаганларни ғайриқонуний ҳаракатларга жалб қилиш;
3. Вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш»[5].

Фикримизча, юқорида Б.Ахроров томонидан вояга етмаган шахсларни ғайриқонуний ҳаракатларга жалб қилишни уч турга бўлиб ўрганиш таклифи бирмунча мақбулроқ, чунки ҳар қандай жиноий хатти-ҳаракат (экстремизм, терроризм ва диний фундаментализм ёхуд оддий жиноятчилик) – бу, умуман олганда, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатдир, зеро охир-оқибат, жамиятга қарши қаратилган. Лекин ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, ҳар қандай ғайриижтимоий хатти-ҳаракат жиноят бўлмайди.

Шу билан бирга, ушбу жалб қилиш турларини иерархик тарзда бериш тарафдоримиз. Яъни, одатда, вояга етмаганлар аввал ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этилади, кейинчалик ғайриқонуний ҳаракатларга, сўнгра жиноий фаолиятга жалб этилади. Бу албатта, сўз айнан ашаддий жиноятчи бўлиб ўсиши кўзда тутилган уюшган гуруҳнинг келгуси «жангчи» бўладиган вояга етмаганлар ҳақида бормоқда, битта маълум жиноятни содир этиш учун «ёлланадиган» ўсмирлар ҳам учраб туради.

Бундан ташқари, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг хусусиятлардан бири шундаки, содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли



етказилган жисмоний, моддий зарар билан бир қаторда вояга етмаганга маънавий зиён ҳам етказилиши мумкин.

Шу маънода, бизнинг назаримизда, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этилган вояга етмаган шахсларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) *ғайриижтимоий (жиноят бўлмаган) гуруҳга кирувчи вояга етмаган;*
- б) *ижтимоий хавфли (жиноят) гуруҳга кирувчи шахслар.*

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, ўрганилаётган ЖК 127-моддаси 1-қисмидаги хатти-ҳаракатларга вояга етмаганни жалб қилганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг ушбу ҳаракатларни бир йил ичида такрор содир этилиши жиноят ҳисобланса, ушбу модданинг 2, 3-қисмларидаги хатти-ҳаракатлар ғайриижтимоий бўлиши билан бирга, ижтимоий хавфли ҳисобланади, яъни жиноят, деб тан олинади.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш усулини тўғри тушуниш, нафақат унинг объектив томонини тўғри аниқлашга эмас, балки содир этилган жиноятни тўғри ва аниқ квалификациясига хизмат қилади. Бунинг учун суд вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш учун жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатишнинг қандай усулларидан фойдаланилганини аниқлаши лозим. Чунки вояга етган шахснинг вояга етмаганни жиноят содир этишига мажбурловчи ҳаракатлари: таҳқирлайдиган ҳаракатлар (уриш, қийнаш, баданга турли хил даражада шикаст етказиш ва ҳ.к.), руҳий таъсир ўтказиш (қўрқитиш, ишонтириш, алдаш, турли хил ваъдалар бериш, нафрат, ҳасад туйғуларини уйғотиш ва бошқалар) билан жиноят содир этишга кўндириши мумкин[9].

Кўпинча, вояга етмаган шахсни жалб қилиш қизиқтириш, мажбурлаш ва моддий қарам қилиш йўли билан амалга оширади.

Вояга етмаган шахснинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этилиши уларнинг ахлоқи, хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, вояга етмаганлар жиноятчилигининг ўсишига олиб келади.

Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг салмоқли қисми катта ёшдагилар таъсирида содир этилмоқда. Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар, айниқса, жиноят қилишга жалб этишнинг ижтимоий хавфлилиги жуда юқори ҳисобланади, чунки вояга етмаган вақтида жиноят содир этганларнинг келажақда рецидивист бўлиш эҳтимоли бир неча баробар ортади. Вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга далолат қилиш, жалб этиш ўсмирлар ва ёшлар жиноятчилигининг ўсишига таъсир кўрсатади. Вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг чорак қисми катталар билан биргалиқда амалга оширилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, вояга етмаганлар руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида тўлиқ шаклланмаган бўлиб, улар алоҳида муҳофаза ва эътиборга муҳтождирлар. Шундан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасида назарда тутилган жиноий-ҳуқуқий кафолатлар алоҳида ўрин тутаяди. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этганлик учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши, амалиётда дуч келган ва вояга



этмаганларнинг нормал ахлоқий ва жисмоний ривожланишининг энг самарали кафолатларидан бири ҳисобланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 6-сон, 70-модда.
2. <https://oak.uz/pages/5499>
3. Корнеева А.В. Понятие и признаки преступления. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть.- М; "Юристъ", 2001, - С. 152.
4. Ниёзова С.С. Абдуқодиров Ш. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жинойтининг ижтимоий хавфлилиги. Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.- Тошкент.: ТДЮИ, 2008. -Б. 168.
5. Ахроров Б. Вояга етмаганларни жиноий фаолиятга жалб қилишнинг олдини олиш ва жиноий- ҳуқуқий кураш чоралари. Қонун ҳимоясида. 2001.№1. –Б. 24.
6. Юридическая энциклопедия. Тихомирова Л.В, Тихомиров М.Ю. Изд-5. М. – 2002 г. – С.136.
7. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Том 3. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. – 208 бет.
8. Рустамбаев М.Х.Жиноят Кодексига шарҳлар. Махсус қисм. -Тошкент.: Адолат, 2016. –Б. 122-123
9. Ахроров Б., Абдуллаева Я. Вояга етмаганларни жиноий фаолиятга жалб қилишнинг олдини олиш ва жиноий –ҳуқуқий кураш чоралари. Қонун ҳимоясида. 2001, № 3. –Б. 24-25.
10. Усманова М. А., Ахмедова М. Т. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР //Та'лим фидойилари. – 2022. – Т. 15. – №. 1. – С. 162-167.